

9-мавзу.Тарик экини етиштириш технологияси.

Режа:

1. Тарикнинг аҳамияти, тарихи,
2. Тарик систематикаси ва ўсимлигининг тузилиши.
3. Тарик биологияси.
4. Етиштириш технологияси

Аҳамияти. Тарик қимматбаҳо ёрмали экин. Тарик ёрмаси қимматбаҳо озиқабоп хоссаларига ва яхши сифатли мазасига эга. Ёрманинг озиқабоплиги 29 - жадвалда келтирилган.

Жадвалдан кўришиб турибдики тарикда оксил моддаси етарли. Оксилнинг фракцион оксили спиртда ва ишқорда эрийдиган холда келтирилган(глиадинлар, глютелинлар). Тарикнинг оксида барча алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар аниқланган.

Тарикнинг дони энг керакли бўлган кул элементларининг (магний,фосфор)манбаи бўлиб ҳисобланади. Тарикнинг донида микроэлементлар ҳам мавжуд: рух - 1,96 мг, мис - 1,19 мг, йод - 1,6 мг, бром - 0,36 мг. Доннинг кимёвий таркиби географик, метеорологик ва технологик жараёнларга кўра ўзгарувчан бўлади. Тарик ёрмасининг сифати донни технологик қайта ишлашига боғлиқ. Дон биринчи ишловдан яъни оклашдан кейин таркибида 14,43 % оксил, 75,8 % крахмал, 1,34 % маъдан моддалар ва 0,38 % фосфор мавжуд. Тайёр ёрмада 13,9 % оксил, 79,9 % крахмал, маъдан моддалар 2,95 % ва 0,20 % фосфор бор. Кепакка оксил тушиб қолади, бундан ташқари муртакнинг бир қисми алейрон қавати ҳам тушади. Донни силлиқлашда ёрманинг сифати пасаяди.

1-жадвал

Сўк ва бошқа турдаги ёрмаларнинг кимёвий таркиби

Ёрма	Миқдори, %				
	Оқсил	Ўғ	Крахмал	Шакар	Клетчатка
Сўкли	12,0	3,5	81	0,15	1,04
Гуручли	6,0	0,5	88	0,50	0,30
Арпа ёрмаси	9,6	1,2	85	0,50	1,25
Маржумакли	10,0	3,0	82	0,30	2,00
Сулили	16,0	6,0	72	0,25	2,87
Маккажўхорили	12,5	0,6	86	0,25	0,25
Буғдой ёрмаси	12,7	0,9	84	0,96	0,24
Арпали ёрма	11,0	1,5	82	0,45	2,00

Тарикнинг дони кушлар ва чўчкаларга қимматбаҳо озиқа бўлиб ҳисобланади. Доннинг 1 кг да 0,97 озиқа бирлиги бор. Озиқа учун доннинг қолдиқлари ва сомон ишлатилади. Тарикнинг озиқабоп навлари мавжуд бўлиб улар пичан тайёрлаш учун ишлатилади. Булардан ташқари тарик анғиз экинидир.

Тарихи. Тарик ёввойи ҳолатда аниқланмаган. Ботаник - географик изланишлар асосида Н.Н. Вавилов маълумотларига кўра, бирламчи шаклларининг ҳосил бўлишини ва ШарқийОсиёнинг тоғли худудларидан келиб чиқишини ҳамда Европа ва Осиё мамлакатларига Хитой ва унга чегарадош мамлакатлардан тарик тарқалган.

ФАО маълумотларига кўра тарик 32,9 млн. гани банд қилган ва ҳосилдорлиги - 9,1 ц/га ни ташкил қилган. Тарик энг кўп Африкада ва Осиёда экилади.

2 - жадвал

Тарик донини ер юзид а етиштириш (ФАО маълумотлари)

Давлатлар	Экин майдони, минг. га	Ҳосилдорлик, ц/га	Ялпи ҳосил, минг. т.
Ер юзид а	32900	9,1	29900
Бургунди	1300	8,5	1109
Гибралтар	1607	9,6	155
Гвинея - Биссау	3180	7,2	230
Индонезия	9200	11,8	10910
Мальта	1437	8,0	1152
Нигерия	7100	4,2	2995
Суринама	2712	3,9	1090
Эфиопия	4316	18. 6	807
Ўзбекистон	1,8	3,5	6,5

Ўзбекистонда тарик асосий ва такрорий экин сифатида экилади. Бир йилда икки дон ҳосили етиштиришда унинг аҳамияти катта. Айниқса, экиш меъёрини камлиги, тезпишарлиги, қисқа кун ўсимлиги бўлиши унинг қимматини янада оширади. Ундан сийраклашган ғалла майдонларини таъмирлашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Марказий Осиёнинг курук, иссиқ ҳавоси шароитида юқори ҳосил беради. У ғалла экинлари орасида курғоқчиликка, иссиқликка энг бардошлиги билан ажралиб туради. Касаллик ва зараркунандаларга чидамли.

Систематикаси. Тарик кўнғирбошсимонлар Poaceae оиласига мансуб, трибе тарикдошлар Paniceae R. Br. 70 та авлод ва 1400 та турни ўз ичига олади, булар асосан тропик минтақаларда кенг тарқалган. Бу трибага оддий тарик - *Panicum miliaceum* L., Италия тарифи - *Setaria italica* L., Африка тарифи - *Pennisetum glaucum* L., пайзу – *Echinochloa frumentacea* Link, қонли росичка – *Digitaria sanguinalis* L., чуқурчасимон паспалюм – *Paspalum scrobiculatum* L. Буларнинг ичида энг кўп тарқалгани оддий тарик авлоди

Оддий тарик ўсимлининг тузилиши

Оддий тарик (*P. miliaceum*) қуйидаги белгилари билан тавсифланади.

Илдиз тизими жуда сершоҳ попук илдиз бўлиб, ерга 1-1,5 м гача кириб боради.

Пояси бўйи 50-150 см га етадиган ичи ковак похолпоя бўлиб юмшоқ тукчалар билан қалин копланган. Тарик тупланиши, яъни 2-5 та поя чикаришидан ташқари, шохланиш, бошоқча айтганда, поясининг ер усти бўғимларидан чиқадиган рўвакли калта ён новдлари ҳосил қилиши мумкин.

Барглари биринчи гуруҳ ғалла ўсимликларининг баргига қараганда бирмунча энли бўлиб, нови ҳамда барг пластинкасининг юқори юзаси тукли. Тилчаси калта, кулокчалари булмайди.

Тўпгули рўвак, 10 см дан 60 см гача узунликда, зичлиги ва шакли ҳар хил бўлади. Рўвагининг уки яхши ривожланган, тўғри ёки эгик бўлади. Ён шохчалари 10 см дан 40 см гача узунликда бўлиб, рўвак укига нисбатан ҳар хил бурчак остида йуналади ва биринчи ҳамда иккинчи тартиб шохчалар чиқаради. Тарикнинг баъзи шаклларида ён шохларининг асосида «ёстикчалар» деб аталадиган йўғонлашма ҳосил бўлади, бошқа шаклларида бундай «ёстикчалар» булмайди.

Рўвак шохчаларининг учида кўпинча бир гулли, баъзан икки гулли битта бошоқча ҳосил бўлади. Бошоқчада учта бошоқча қипиғи бўлади, буларнинг иккитаси йирик бўлиб, бошоқчани ўраб туради, икки баравар калта бўладиган учинчиси эса, афтидан, редукцияланган иккинчи бошоқча колдигидир.

Гули. Икки жинсли бўлиб ўздан чангланади тўла ривжланмайдига иккинчи гули кўпинча оқ ёки рангсиз парда кўринишида қолади. иккита гул қобиғи қаттиқ ялтироқ, ҳар хил тусда бўлиб донгни маҳкам ўраб туради ва янчиш вақтида дон билан бирга тўкилиб тушади.

Меваси пўстли майда дон овалсимон ёки шарсимон, ҳар хил рангда-кизил, оқ жигарранг ва бошқа рангда бўлади, 1000 донсининг вазни 5-8 г. Донининг пўстлилиги 18-25% .

Оддий тарик тури И.Б.Папов классификациясига мувофиқ 5 та кенжа турга бўлинади. Булар рўвагининг йирик майдалиги, зичлиги. ёйқлиги, ён шохчаларининг рўвак ўқидан чиқиш бурчаги ва шу шохчалар асосида «ёстикчалар» бор йўқлигига қараб бир биридан фарқ қилади.

Тарикни Ўзбекистонда Саратовское 853 нави районлаштирилган ҳалос.

Саратовское 853. Саратов тажриба станцияси (жанубий- Шарқ ғаллачилик инситути) нинг селекцион нави .

Саратов вилоятининг маҳаллий тариғидан , яққалаб танлаш йўли билан яратилган .

1933-йилдан республика бўйича лалмикор ва шартли суғориладиган ерларда, Давлат реестрига киритилган. Нав қисқ тарик гуруҳига ва чўл кичик гуруҳига киради, бошқа гуруҳларга нисбатан қурғоқчиликка анча бардошлилиги билан ажралиб туради. Рўваги йиғиқ, қисқа, зич, кам эгилувчан . дони тўқ қизил, йирик. 1000 та донининг вазни 6,3-7,5 г. Ўртача дон ҳосилдорилиги лалмикор ерларда гектаридан 4,4 центнерни ташкил

этди. Ўрта пишар, вегетация даври 67-80 кун. Қурғоқчиликка чидамлилиги юқори. Нав туқилишига бордошли.

Биологияси

Уруғнинг униб чиқиши. Уруғ битта муртак илдизча билан униб чиқади, кейин муртак новда пайдо бўлади, кейин тупроқнинг юза қисмида тупланиш бўғини ҳосил бўлади.

Тупланиш. Тупланиш бўғинчасидан иккиламчи илдизлар ҳосил бўлади, кейинчалик бу илдизлар бақувват попуқ илдизларни ҳосил қилади. Муртак илдизлар тупроқга 60 см чуқурликкачага кириб бориб амал даврининг охиригача сақланади. Қурғоқчилик йилларида улар биргина ўзлари қолиб ўсимликни озиклантиради. Иккиламчи илдизлари тупланиш давридан рўвакланиш даврининг ўрталаригача ривожланади. Намлик етарли бўлганда иккиламчи илдизлар тупроқда 1 м гача кириб бориб ёнига ҳам шунча тарқалади.

Тарикқа ҳам барча қўнғирбошсимонлардагидек органогенезнинг 12 та босқичи кузатилади. Органогенез босқичларининг бир - бирига алмашиши муҳит шароитлари билан боғлиқ бўлган, ривожланиш тезлигига боғлиқ. қисқа кунга тўғри келадиган ёзги экинларда тарикқнинг ривожланиши тезроқ кечади, яъни ҳаво ҳароратининг таъсири ва экологик - географик гуруҳларнинг таъсирида.

Ўсимликнинг ривожланиши узун кунда бироз чўзилиб кетади.

Гуллаш ва чангланиш. Тарикда уч тип чангланиш кузатилади:

1. Ёпиқ гулда чангланиш бу булутли об - ҳавода кузатилади.
2. Очилган гулда чанглаш, гулдонлар гулдан ташқарига чиқаётган пайтда улар ёрилади ва чанглар гул ичига сочилиб кетади ва гулдан чиқаётган оналигига ёйилади.
3. Иссиқ ва очик ҳавода чанглаш, бунда чангдонлар гул ташқарисига сочилиб кетади ва чанлар гулга тушмайди. Учинчи вариантда четдан чангланиш мумкин.

Гуллаш рўвакнинг учидаги гул плёнкаларининг очилишидан бошланади, кейин шохлар бўйлаб пастга тушади. Иссиқ ва очик ҳавода гуллаши эртапишар навлар учун рўваклардан кейин 2 - 3 - кундан кейин бошланади, ўртапишар навларда ҳам худди шундай бўлади, кечпишар навлар учун 4 - 6 кун.

Ўрта Осиё шароитида тоғолди зоналари учун гуллаш эрталаб 8 да, баланд тоғли зоналар учун эрталаб соат 10 да. Кўпчилик ҳолатларда 25°C да гуллайди, лекин 13°C дан то 40°C гача ўзгариб ҳам туради. Қулай шароитда битта гул 3 - 4 минут гуллайди. Битта рўвакда бу даврда 67 - 121 гул очилади. Гуллашнинг давомийлиги битта гулда 15 - 40 минут, битта рўвакда эса гуллашнинг давомийлиги 6 - 20 кун давом этади.

Ташқи муҳит омилларига муносабати

Иссиқликка талаби. Тариқ иссиқсевар ўсимлик. Уруғнинг униб чиқиши учун энг паст ҳарорат 8 - 10°C. Лекин, бунда униб чиқиш 15 кунгача давом этиши мумкин, 16 - 19°C ҳароратда эса жами 3 кун. Олимларнинг аниқлашича тариқнинг шимолий шакиллари 5 - 8°C да униб чиқади. Тариқнинг майсалари совуққа жуда таъсирчан, 2 - 3°C да эса майсалар жароҳатланади, 3,5 - 4,0 °C да кўп қисми нобуд бўлади, 6 - 10°C да фотосинтез энергияси тезда пасайиб кетади. Тариқ асосан гуллаш даврида совуқликларга таъсирчан. Бу даврда ўсимлик 1 - 2°C да нобуд бўлади. Юқори ҳарорат ўсиб ривожланишни тезлаштиради. Паст ҳарорат эса рўваклар, пишиш даврининг давомийлигини узайтиради.

Тариқ амал даврида иссиқликка чидамлилиги билан фарқ қилади, шунинг учун юқори ҳароратдан камроқ зарар кўради. Кучли тупланиш 15 - 20°C да кечади.

Ёруғликка талаби. Умуман тариқ қисқа кун ўсимликларига киради, қисқа кунда ривожланиш тезлашади, узун кунда эса чўзилади. Лекин, тур ичида бу омил бўйича турли хил ҳар хилликлар мавжуд. Ўрта Осиё ва Олд Осиё гуруҳларининг шакллари қисқа кунда ҳарорат 19 - 21°C бўлганда муваффақиятли ривожланади. Ўсимликка қисқа куннинг таъсири барча экологик - географик гуруҳларда униб чиққандан сўнг бошланади кейин турли вақтда тугайди.

Намликка талаби. Донли экинлар ичида тариқ энг қурғоқчилликка чидамли ўсимлик бўлиб тупроқ ва ҳаво намсизлигига бардош беради. Намга талабчанмаслиги ривожланишининг бошларида бошланади.

Тариқ уруғининг униб чиқиши учун 25 % сув талаб қилинади. Бўғинчали илдизларнинг ўсиши тупроқ намлигига боғлиқ. Тўла дала нам сифимиغا нисбатан 60% намликда илдизлар 15 кунда 20 см ўсади. Тариқнинг илдиз тизими намликни ўлик захиралардан ҳам суриб олишга қодир. Ўсимликнинг сувсизлантирилиши ҳосилдорликнинг камайишига таъсир етказмайди.

Тупроққа ва озикка талаби. Тариқ тупроқнинг турли типларида ўсади яъни булар: қора тупроқ, подзол тупроқ, шўрхоқ, шўртоб, ўтлоқи - ботқоқ, бўз тупроқлардир. Тупроқ муҳитига тариқ таъсирчан эмас, лекин рН - 6 қулай ҳисобланади.

Тариқ жуда кўп миқдорда озик моддалар талаб қилади, яъни 15,0 ц. дон ва 30 ц сомон олинганда тупроқдан жуда кўп миқдорда озик моддалар олиб чиқиб кетилган. Бир тонна дон ҳосили яратиш учун ва шунга мос равишда сомон бўлиши учун 30 кг азот, 14 кг фосфор, 32 кг калий ва 10 кг кальций керак бўлади.

Тупланишгача тариқ жуда кўп азот талаб қилади, кейин йўқоладиган тартибда калий, оҳак, фосфор. Доннинг тўлишиши даврида фосфорни кўпроқ ўзлаштиради. Озика моддалари билан яхши таъминланган бўлса фотосинтез жараёни яхши кечади.

Бор, марганец, рух, мис, молибден етишмаганда моддалар алмашинуви бузилади. Бор, рух ўсимликнинг генератив органларининг ривожланишининг тезланишига олиб келади. Марганец етишмаганда фотосинтез секинлашади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики тарик органик ва маъдан ўғитларнинг солинишига жуда таъсирчан.

Етиштириш технологияси

Алмашлаб экишда тарик ўзидан кейин тупроқ унумдор, бегона ўтлардан тоза ҳолда қолдирадиган экинлардан кейин жойлаштирилади. Бундай ўтмишдошларга беда, себарга, дуккакли дон экинлари, кузги дон экинлари, қанд лавлаги, картошка, полиз экинлари киради.

Тарик битта далага сурункали экиш учун яроқсиз. Бунинг сабаби у дастлабки ривожланиш даврида секин ўсади ва шунинг учун бегона ўтлар билан ифлосланади ва фузариоз, гельминтоспориоз, бактериоз, қоракуя касалликлари билан зарарланади. Маккажўхоридан кейин тарик экиш тавсия этилмайди. Сабаби ҳар иккала экин ҳам маккажўхори капалаги билан кучли зарарланади. Янги ўзлаштирилган бўз ва кўрик ерларда тарик юқори ҳосил беради.

Тупроқни ишлаш. Тарик ўсимлиги яхши ишланган ерни талаб қилади. Шунинг учун донли экинларнинг анғизи юмшатилиб, кейин ҳайдалади. Тоғ олди ва тоғ этагида шудгор қилинган ерларга қиш кунларн намни яхши тўплаш учун қор тутқич, ёмғир ва қор сувларини тутиб қоладиган уватлар ясалади.

Тарик учун тупроқни ишлаш минтақавий деҳқончилик тизими талабларига мувофиқ ҳолда ўтказилади. Асосий эътибор бегона ўтларни максимал даражада йўқ қилишга, тупроқда намни сақлашга, ерни яхшилаб текислашга, майин қилишга қаратилади. Тарик экиладиган далалар кузда шудгор қилинади. Кузги шудгор қанча эрта ўтказилса ҳосил ҳам шунча ортади.

Ўзбекистон шароитида тупроқ 28 –30 см чуқурликда ҳайдалади. Одатда дала бегона ўтлар билан ифлосланган бўлса ерни ҳайдаш олдидан лушчилниклар билан ёки дискалар билан ишланади. Илдизбачкили бегона ўтлар пайдо бўлса, дискалаш қайта ўтказилиши мумкин. Лушчильниклар ЛДГ –15А, ЛДГ –5А, дискали бароналардан БД –10А, БДТ –3, БДТ –7, БДТ –10 бароналарни тупроқ механик таркибига қараб қўллаш мумкин.

Тупроқни шудгор қилиш, экишга тайёрлаш тупроқнинг эрозияга учраганлиги, ўтмишдош, далани бегона ўтлар билан ифлосланганлиги, тупроқ намлиги, баҳорги, кузги даври давомийлигига қараб ўтказилади.

Экишдан олдин эрта баҳорда тупроқ икки изли қилиб бароналанади ва икки култивация қилинади. Биринчиси 8 –10 см қилиб бегона ўтлар пайдо бўлиши билан, иккинчиси 4 –5 см чуқурликда экиш олдидан ўтказилади. Бир текис экилиши учун экиш олдидан дала ғалтакланади ёки мола босилади.

Ўғитлаш. Ўғитлаш. Тарик 30 ц дон ва шунга мувофиқ 60 ц сомон ҳосил қилиш учун тупроқдан 103,5 кг азот, 36 кг фосфор ва 85,8 кг калий ўзлаштирилади. Ҳосил билан NP_2O_5 : K_2O чиқиш нисбати 1:0, 35:0,83 бўлади.

1 ц дон ва сомон ҳосил қилиш учун тарик 3,0 –3,2 кг азот, 1,3 –1,5 кг фосфор, 2,0 –3,4 кг калий ўзлаштиради. Дастлабки ривожланиш даврида тарик фосфорни етишмаслигига жуда таъсирчан. Тупланишгача энг кўп, азот элементини (7 –8% умумий эҳтиёжига нисбатан), кейин калий, кальций, фосфорни ўзлаштиради. Озиқа моддаларни жадал ўзлаштириши тупланиш – гуллаш даврига тўғри келади. Бу даврда ўсув органлари массаси жадал ортиб боради ва рўвак шаклланади. Шунинг учун бу даврда ўсимликни азот, фосфор ва калий билан етарли озикланиши юқори ҳосил олишни таъминлайди. Бу даврда ўсимлик ўсув даврида ўзлаштирадиган азотнинг 70%, фосфорнинг 60%, калийни деярли ҳаммасини ўзлаштиради. Энг кўп фосфор ўзлаштирилиши ўсув даврининг охирида, донни шаклланиш, тўлиш даврига тўғри келади.

Тарикни озикланишида микроэлементлардан магний, темир, бор, марганец, рух, молибден, мис, муҳим аҳамиятга эга. Улар ферментлар фаоллигини, ўсимликдаги биокимёий жараёнларни тезлаштиради, оксиллар, углеводлар, аминокислоталар, витаминлар синтезини кучайтиради.

Тарик органик ва маъданли ўғитларга жуда таъсирчан. Органик ва маъданли ўғитлар самарадорлигини ошириш учун пайкалларни агрокимёвий ва фитосанитар ҳолати текширилади, тегишли паспортлар тузилади.

Чириган гўнг бир гектарга 20 т солинганда 10 ц қўшимча дон ҳосили олинган.

Тарик нитрофоска солинганда ҳосилдорликни кескин оширади. Фосфорли, калийли ўғитлар йиллик меъёрининг асосий қисми кузда ерни ҳайдаш олдидан берилади.

Тарикдан 30 ц/га дон ҳосил олиш учун 50 –60 кг азот, 100 –105 кг фосфор, 70 –80 кг калий солиш тавсия этилади. Режалаштирилган ҳосил кўп бўлса $N_{120}P_{120}K_{90}$ берилади.

Экиш пайтида уруғлар билан қаторларга 10 –15 кг таъсир қилувчи модда ҳисобида гранулаланган суперфосфат ёки аммофос солинади. Фосфорни экиш билан қаторлаб солиш дон ҳосилини 2 –3, 6 ц/га оширади, ҳар бир килограмм фосфор ҳисобига 16 –19 кг қўшимча дон ҳосили олинади.

Азотли ўғитларни асосий қисми экиш олдидан култивация билан, кенг қаторлаб экилган майдонларда 15 –20 кг/га қатор ораларини биринчи ишлов билан берилади. Дон тўлиш пайтида тарикни азот билан баргларида озиклантириш (5 –10 кг/га) дон таркибидаги оксилни оширади (ҳосилни эмас).

Ўғитларни солишда НРУ–0,5, РМС–6, РУМ–8, РУМ–16 машиналаридан фойдаланилади.

Экиш. Экиш учун йирик, тўла, унувчанлиги ва ўсиш энергияси юқори уруғлардан фойдаланиш юқори ҳосил етиштиришнинг муҳим омилларидан биридир. Тарик рўвагининг юқори қисмида ҳосил бўлган йирик, оғир донларни (диаметри 2 мм) уруғлик сифатида ажратиб, саралаб экиш ҳосилдорликни 15 –20% оширади.

Уруғлар экишдан олдин қоракуя ва бошқа касалликлардан ўсимликни химоя қилиш учун Витовакс 200 –300 г/ц, Фундазол 300 г/ц, Панактин 200

г/ц меъёрда, парда (плёнка) ҳосил қилувчи поливинил спирти (ПВС) ёки бошқалари билан қўшиб ишланади. Бу усул уруғдаги ва тупроқдаги юқумли касалликлар захирасини камайтиради, уруғ унувчанлиги ва ўсиш энергиясини оширади. Уруғлардаги намлик кондиция талаблари даражасида бўлса, дорилашни экишдан икки –уч ой олдин ўтказиш мумкин. Қоракуя билан зарарланган уруғлар дориланганда уруғларни заҳарли дорилар билан контакт даври узайтиради. Дорилаш ПС –10, «Мобитокс», парда билан ўраш (инкрустация) – КПС –10 машиналарида ўтказилади.

Экиш муддати танланади. Тарикни Давлат рўйхатиغا ўтган, истиқболли навларини 1 ва 2 синф талабаларига жавоб берадиган уруғлари, оптимал муддатларда экилади. Тарик иссиқсевар экин бўлганлиги туфайли уни уруғлари етарли даражада қизиган тупроқларга экилади.

Тарикни оптимал экиш муддати бошқа экинларникига нисбатан анча давомли, аммо жуда эрта шунингдек кеч экиш уруғларни дала унувчанлигини пасайишига олиб келади.

Ўзбекистонда тарикни суғориладиган ерларда жанубий вилоятларда баҳорда мартнинг учинчи ўн кунлиги, Самарқанд вилоятида апрелнинг учинчи ўн кунлигида, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятларида апрелнинг охириги ўн кунлиги майнинг бошларида экиш оптимал ҳисобланади.

Ўзбекистонда тарик кузги бошоқли дон экинларидан кейин анғизда, шунингдек эрта етиладиган сабзаёт экинларидан кейин такрорий экин сифатида дон учун июн ойида, июлнинг биринчи ўн кунлигида экилади. Анғизга ва такрорий экилганда эртапишар навлар танланади.

Тарик лалмикорликда қир –адир жойларда икки муддатда –апрелнинг ўрталарида ёки иккинчи ярмида ва майнинг иккинчи ярмида экилади. Тоғ олди минтақасида май ойининг бошларида, тоғлик жойларда майнинг иккинчи ўн кунлигида экилади.

Тарик қурғоқчиликка чидамли экин бўлишига қарамасдан лалмикорликда, Ўзбекистон шароитида яхши мослашмаган. Май ойида ёғингарчиликлар бўлса, тарик лалмикорликда ҳам яхши илдиз отиб 6 –8 ва 10 ц/га дон ҳосили беради. Аммо май ойида ёғингарчиликлар бўлмаса иккиламчи бўғин илдизлари ҳосил бўлмайди ва фақат муртак илдизлари билан қолади, ёмон ўсади, ётиб келади ва қурғоқчиликдан нобуд бўлади.

Экиш усули. Тарик –яхши тупланиши, дастлабки ривожланиш даврида секин ўсганлиги ва бегона ўтлар билан ифлосланиши, ёруғликка талабчанлиги, илдизлари атрофга тарқалганлиги туфайли кенг қаторлаб экиладиган экин. Кенг қаторлаб экилганда ўсимликнинг ривожланиши учун қулай шароит яратилади. Шундай бўлсада экиш усуллари танлаш ўтмишдошлар, сувлик ёки лалмикорликда экилиши, тупроқ унумдорлиги, пайкални бегона ўтлар билан ифлосланганлиги, нав хусусиятларига боғлиқ.

Экиш қаторлаб, кенг қаторлаб, кўп қаторлаб, лента ва тор қаторли ўтказилиши мумкин. Кенг қаторлаб экиш бир изли 45 ёки 60 см қатори 45x15; 60x15 қилиб ўтказилади.

Суғориладиган ерларда кенг қаторли (60 см) қилиб лента усулида экиш қаторлаб экишга нисбатан (60 см) гектаридан 4 ц кўп дон ҳосили олишни таъминлаган. Лалмикорликда қатор оралари 30 ёки 15 см қилиб экиш яхши натижа беради. Баланд бўйли кўноқ навлари кенг қаторлаб (60 см) экилгандан қатор оралари 45 ёки 30 см бўлгандагига нисбатан 5 –6 ц/га кўп ҳосил олишни таъминлаган. Дон учун экилганда кенг қаторлаб экиш маъқул. Янги яратилган навлар уруғлик учун экилганда кенг қаторлаб экилади. Уруғликни тез кўпайтиришга ва навни ишлаб чиқаришга тезроқ жорий этишга имкон беради. Яшил масса учун экилганда кўп қаторлаб ёки лентали усулда экиш кенг қаторлаб бир изли қилиб экишга нисбатан афзал.

Экиш меъёри. Экиш меъёрлари белгиланганда нам билан таъминланганлик, қайси мақсадда экилганлиги, экиш схемаси эътиборга олинади. Тарик кенг қаторли қилиб экилганда экиш меъёри 10 –12 кг/га, лента усулида ёки қатор ораси 30 –45 см экилганда 25 –30 кг/га оширилади. Суғориладиган ерларда экиш пайтида тупроқда нам кам пайкаллар бегона ўтлар билан ифлосланган бўлса экиш меъёрлари 15 –20% оширилиши маъқул. Экиш меъёрлари гектарига дон ҳисобида 2 –5 млн. ўзгариши мумкин.

Экиш чуқурлиги. Уруғлар 4 –5 см чуқурликка ташланади. Май ойида тупроқ юзаси қуриб кетса (лалмикорликда) уруғлар 5 –7 см чуқурликка экилади. Механик таркиби енгил, кумоқ тупроқларда, тупроқ юза қисми қуриб қолганда, экиш чуқурлигини 8 –10 см ошириш мумкин.

Тарик оддий қаторлаб экилганда СЗ –3,6, СЗП –3,6, СЗС –2,1 сеялкалари билан қатор оралари 15 см қилиб экилади. Кенг қаторлаб экиш лавлаги экадиган ССТ –12А (Б) махсус СТЯ –23000 мосламаси билан жихозланиб экилади.

Суғориш. Тарик экишдан олдин тупроқда намлик кам бўлса, экишдан олдин гектарига 800 –1000 м³ меъёрда нам тўплайдиган суғориш ўтказилади. Бунда суғориш тарикни энг мақбул муддатларда экилишига таъсир этмаслиги керак, тупроқ етилиши ҳисобга олиниб суғориш муддати белгиланади.

Ўсув давридаги биринчи суғориш ўсимлик 3 –4 барг ҳосил қилганда, иккинчиси найчалаш фазасида, учинчиси тарикни энг кўп сув талаб қиладиган даври –рўваклашда ўтказилади. Ўзбекистон шароитида ёзда ҳаво жудда иссиқ бўлганда, доннинг тўлиш даврида тўртинчи суғориш ҳам ўтказилади. Суғориш меъёрлари тупроқ механик таркиби, сизот сувлар сатҳига қараб белгиланади. Аммо суғориш меъёрини жуда ошириш ўсимликни ётиб қолишига сабаб бўлиши мумкин (айниқса рўваклаш, донни тўлиш даврида).

Тарикни ўсув даврида суғориш меъёри -эгатлаб суғорилганда 500 –600 м³/га, ёмғирлатиб суғорилганда 300 –400 м³/га.

Тупроқдаги намлик тарик илдизларининг асосий қисми жойлашган 60 см тупроқ қатламида, намлик ЧДНС нинг 65 –70% кам бўлмаган ҳолда ушланиши маъқул. Суғориладиган ерларда тарик 1 т дон ҳосил қилиш учун 660 –900 м³/га сув сарфлайди. Мавсумий суғориш меъёри 1800 –2400 м³/га.

Экин парвариши. Ўзбекистон шароитида тарик баҳорда экилганда, ёмғирлардан кейин тупроқда қатқалоқ ҳосил бўлади. Бундай ҳолларда уруғлар ҳали униб чиқмаган бўлса, тишли ғалтаклар ёки калта тишли барона билан тупроқ ишланади. Ишлов қатқалоқни йўқотади, намни сақлашга, уруғларни қисқа вақт давомида униб чиқишга имкон беради ва ҳосилдорлик 8–10% ортади.

Суғориладиган ерларда кенг қаторлаб экилган майдонларда эрта баҳорда ҳамда ўсув давридаги суғоришлардан кейин култивация қилинади. Биринчиси 4–5, иккинчиси 6–8 см чуқурликда ўтказилади ва бир йўла озиклантирилади. Бегона ўтларга қарши дикотекс (2М–4Х) тулланиш фазасида 1,3–1,5 кг/га меъёрида қўлланилади. Шунингдек лонтрел, пропазин ҳам қўлланилиши мумкин.

Тарикда 30 ортик касалликлар ва зараркунандалар учрайди ва ҳосилнинг 10–12% айрим йиллари (эпифитотия) 50–60% йўқотилади. Экинзор қоракуя, бактериал касалликлар, уруғ–меланози билан касалланади. Уруғларни экишдан олдин саралаш, тозалаш, дорилаш жуда муҳим.

Экинзорда зараркунандалардан йўл–йўл ғалла бургаси, тарик пашшаси, цикадалар, трипслар, маккажўхори капалаги ва бошқалар учрайди. Бевосита ҳосил учун хавф туғилганда 40% метофос 0,5–1 кг/га, 50% карбофос 0,5–1 кг/га билан эрталаб ёки кечки соатларда экинзор ишланади.

Тарикни анғизда ўстириш. Суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишда тарикни бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларда ўстириш муҳим аҳамиятга эга.

Бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонлар ҳосил йиғиштирилиши билан дарҳол суғорилади. Ер етилиши билан тупроқ шароитига қараб 28–30 см чуқурликда ҳайдалади. Ерни ҳайдаш олдидан гектарига 60–70 кг фосфорли 40–50 кг калийли ўғит солинади. Ҳайдашдан кейин дарҳол тупроқ чизелланади ва икки из қилиб бароналанади. Экишдан олдин култивация билан 30–40 кг азотли ўғит берилади.

Экиш июн ойининг бошидан июл ойининг биринчи ярмигача ўтказилади. Экиш меъёри 12–16 кг/га. Найчалаш фазасида култивация билан 30–40 кг аммиакли селитра солинади.

Қашқадарё вилояти, Косон туманида Санзар–4 буғдой нави ҳосилдан кейин Саратовская–853 нави экилиб, гектаридан 30 ц дон ҳосили олинган. Ер чизелланиб тарик экилгандалига нисбатан икки ярусли плуг билан ишланиб экилганда ҳосилдорлик 6–8 га/ц ошган.

Ҳосилни йиғиштириш. Тарик донлари бир текис етилмайди. Дастлаб тарик рувагининг учки қисмидаги донлар етилади. Рўвакдаги доннинг 80–85% тўла пишганда, дон намлиги 26–28% бўлганда икки фазали ўримга киришилади. Бу пайтда бошоқча қипиқлари сариқ–сомонсимон рангга киради. Ўримга донларининг 25–30% тўла пишганда киришилса режалаштирилган ҳосил 50% камаяди. Рўвакнинг пастки қисмидаги донлар пишганда учки қисмидаги донлар тўкилиб бошлайди.

Асосий ўриш усули икки фазали. Қирқиш баландлиги 12–18 см. Ўриш ЖВН –6–0,1 ва ЖВР –10–03 ўриб дасталанади. Ўриш 3–4 кунда

тугалланади. Дасталар 3 –5 кундан кейин янчиб олинади. Дасталарни янчишда дон намлиги 15 –17% ошмаслиги лозим. Донни нобудгарчилигини олдини олиш учун комбайнлар ПҚК –5 мосламаси билан жиҳозланади, барабанларни айланиш тезлиги минутига 550 –800 камайтиради. Комбайн тезлиги 6 км/соатдан ошмаслиги лозим.

Ўзбекистонда бир фазали ўриш кўп қўлланилади. Бунда ўрим рўвакдаги ҳамма донлар пишганда бошланади. Уруғлик экинзорлар икки марта янчилади. Биринчисида ўриб янчиш «юмшоқ» режимда ўтказилади. Иккинчисида пишмаган ва майда уруғлар янчилади.

Янчилган донлар дон тозалайдиган, қуритадиган жойларда сараланади. Қимматли навларни уруғларида майдаланган, кўкарган уруғлар 6%, шу жумладан кўкарган уруғлар 1%, бегона ўтлар уруғлари 1,5%, яроқсиз донлар 0,5% ортиқ бўлмаслигига эришиш лозим. Кампирчопон, кўкмараз уруғларни бўлишга мутлақо йўл қўйилмайди.